



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2016 йил 16 апрель, № 75 (6510)


Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ВА АЗАЛИЙ ДЎСТЛИККА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 14 апрель куни амалий ташриф билан мамлакатимизга келди.



Ташрифнинг асосий тадбирлари 15 апрель куни Қўқсаройда бўлиб ўтди.

Ислон Каримов ва Нурсултон Назарбоев музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг турли соҳалардаги ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Президентимиз Қозоғистон Президентини юртимизга ушбу ташрифи билан қутлаб, бу олий

даражадаги мулоқотларнинг изчил давоми эканини таъкидлади.

— Сизни Ўзбекистонда кўришдан ҳар доим хурсандимиз. Ўзбек ва қозоқ халқлари азалдан яхши қўшни, дўст бўлиб яшаб келган. Бугун мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ана шу тамойиллар асосида ривожланмоқда. Халқаро вазият тез ўзгариб, тобора мураккаблашиб бораётган ҳозирги кунда бундай дўстлик, ўзаро англашув янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу ташрифнинг томонларни қизиқтирган масалаларни

муҳокама этиш учун қулай имкониятдир, — деди Ислон Каримов.

Қозоғистон Президенти Ўзбекистон Президентига таклиф учун миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланаётганини қайд этди.

— Тўғри таъкидлаганингиздек, халқларимиз асрлар давомида ёнма-ён, тинч-тотув ҳаёт кечириб келмоқда. Мустақиллик йилларида биз бу муносабатларни янада мустаҳкамладик. Марказий Осиёнинг

етақчи давлатлари бўлган мамла-

катларимиз ҳамкорлиги бутун минтақа учун муҳим аҳамият касб этди. Ўзаро муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш ва изчил давом эттиришдан манфаатдоримиз, — деди Нурсултон Назарбоев.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик 1998 йилда Тошкентда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси Абдий дўстлик тўғрисидаги шартнома, 2013 йилда пойтахтимизда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома асосида тараққий этмоқда.

Ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро изчил ривожланмоқда. Икки мамлакат парламентлари ўртасида амалий мулоқот йўлга қўйилган. Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги маслаҳатлашувлар мунтазамлик касб этган.

Мамлакатларимиз БМТ, ШХТ, МДХ, Ислон ҳамкорлик ташкилоти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Глобал ва минтақавий аҳамиятга молик кўплаб масалалар бўйича томонларнинг позициялари ўхшаш ёки яқиндир.

Икки давлат раҳбарлари Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашар экан, ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик таъминланиши ва иқтисодий тикланишидан манфаатдор эканини таъкидладилар. Афғонистонда ҳарбий куч ишлатиш йўли билан тинчлик ўрнатиб бўлмаслиги, БМТ шафелигида қарама-қарши томонлар ўртасида сиёсий музокаралар ўтказиш ва ўзаро келишувга эришиш энг тўғри ва ягона йўл эканлиги қайд этилди.

Президентлар Марказий Осиёдаги трансшегаравий дарёлар сув ресурслари минтақамизнинг умумий бойлиги бўлиб, халқлари-

миз фаровонлиги кўп жиҳатдан улардан оқилона ва самарали фойдаланишга боғлиқ эканлигини таъкидладилар. Трансшегаравий дарёларда гидроэнергетика иншоотлари қуриш масаласида БМТ конвенциялари ва бошқа халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланган, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига қатъий риоя қилиш зарурлиги қайд этилди.

Таъкидланганидек, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилаш ҳамда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга қаратилган лойиҳа ва дастурларни амалга оширишда муҳим платформа бўлиб хизмат қилмоқда.

Музокарада савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Қозоғистон мамлакатимизнинг савдо-иқтисодий соҳадаги муҳим шерикларидан биридир. Ўзбекистон Қозоғистонга мева-сабзавотлар, транспорт воситалари, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари ва бошқа маҳсулотлар, турли хизматлар экспорт қилади. Қозоғистондан юртимизга қора ва рангли металллар, ёғ-мой маҳсулотлари келтирилади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсиб бормоқда. 2015 йил ақунларига кўра, бу кўрсаткич 3 миллиард доллардан зиёдни ташкил қилган.

Қозоғистонда мамлакатимиз ишбилармонлари иштирокида ташкил этилган 151 корхона фаолият юритмоқда. Юртимизда Қозоғистон капитали иштирокида 206 корхона, шу жумладан, 171 кўшма корхона очилган.

Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия ўзаро алоқаларни изчил ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Жорий йил 10-11 март кунлари Остона шаҳрида мазкур комис-

сиянинг 15-мажлиси бўлиб ўтди.

2007 — 2016 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик стратегиясига мувофиқ, савдо, сармоя, транспорт, коммуникациялар, божхона, сув-энергетика ва инновация йўналишларида амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар самараси ўзаро алоқаларга қўшимча суръат бағишламоқда.

Транспорт коммуникациялари соҳаси ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Мамлакатларимизнинг автомобиль ва темир йўллари ўзаро интеграциялашган. Бу муҳим коммуникация тармоғи учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтамоқда.

Музокарада Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг фойдаланилмаган ресурсларини ишга солиш ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш имконини бериши таъкидланди. Ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни шариоитида товар айирбошлашнинг ўсувчан динамикасини сақлаб қолган ҳолда, унинг ҳажмини янада кўпайтириш, савдо-иқтисодий алоқаларни диверсификация қилиш, экспорт-импорт номенклатурасини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Кўшма корхоналарни кўпайтириш, тадбиркорлар ҳамкорлигини ривожлантириш мамлакатларимиз манфаатларига хизмат қилиши қайд этилди.

Учрашувда ижтимоий соҳадаги алоқаларни кенгайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Очiq ва дўстона руҳда ўтган музокарада ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари белгилаб олинди.

Шу билан Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга амалий ташрифи ниҳоясига етди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА мухбири.

Сарвар ҲУСНОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2016 йил 15 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг I чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларини муҳокама қилишга ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан жорий йилнинг 15 январида республика Ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари амалга оширилишини баҳолашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган мамлакатни ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ҳамда иқтисодиётни ва унинг тармоқларини, энг аввало, саноат ва қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш, таркибий қайта ўзгартириш ва модернизациялаш, муҳандислик-коммуникация ҳамда йўл-транспорт инфраструктурасини жадал ривожлантириш ва янгилаш, хусусий мулкни, тадбиркорлик ҳамда кичик бизнесни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, шунингдек, аҳоли бандлиги ва фаровонлиги даражасини оширишнинг ўртача муддатли дастурларини амалга оширишнинг натижалари қўриб чиқилди ҳамда ҳар томонлама таҳлил қилинди.

2016 йил учун қабул қилинган иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари ва устувор йўналишларини тизимли ҳамда изчил амалга ошириш туфайли глобал иқтисодиётда давом этаётган инқирозли ҳодисаларга ва унинг ривожланиши суръатлари секинлашганлигига қарамай, Ўзбекис-

тонда иқтисодиёт ўсишининг барқарор суратлари ҳамда макроиқтисодий мутаносиблик таъминланаётганлиги қайд этилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 7,5 фоиз ўсди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 7 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми — 6,7 фоиз, чакана товар айланмаси ҳажми 12,8 фоиз кўпайди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдоридаги профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрлардан ошмади.

Хизматларнинг замонавий турларини, энг аввало, ахборот-коммуникация технологияларига асосланган турларини жадал ривожлантириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар хизматлар ҳажмларининг 12,1 фоиз ўсишини ва уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2015 йилнинг биринчи чорагидаги 59,3 фоиздан 59,5 фоизгача кўпайишини таъминлади.

Кичик бизнесни рағбатланти-

риш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда юритиш шарт-шароитларини янада яхшилаш чора-тадбирларини амалга оширишнинг давом эттириш жорий йилнинг биринчи чорагида кичик бизнеснинг 8,4 мингта ёки 2015 йилнинг шу давридагига қараганда, 5,5 фоиз кўп янги субъекти ташкил этилишига кўмаклашди. Йил бошидан бошлаб кичик бизнес субъектларига 3,6 триллион сўм банк кредитлари берилди, ўсиш 2015 йилнинг 1-чорагидагига қараганда, 1,3 бараварини ташкил қилди.

2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини ошириш дастури доирасида 167,4 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди, улардан 57,7 фоизи қишлоқ жойларда ташкил қилди.

Оилани, оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлашга, оналар ва болаларни тиббий парвариш қилиш даражаси ҳамда сифатини оширишга йўналтирилган “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури тадбирларини фаол амалга ошириш бошланди. Дастур тадбирларини молиялаштиришга жорий йилнинг биринчи чорагида қарийб 1,3 триллион сўм миқдоридаги маблағ йўналтирилди.

Мажлис кун тартибидеги масалаларни муҳокама қилиш давомида таркибий қайта ўзгар-

тиришларни янада чуқурлаштириш, саноат ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва диверсификациялаш, шу жумладан, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни босқичма-босқич кўпайтириш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмлари ҳамда турларини кенгайтириш, республика ҳудудларининг саноат саноатини жадал ривожлантириш бўйича устувор вазифаларнинг амалга оширилиши ва натижадорлигини батафсил таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди. Ҳозирги вақтда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсишининг қарийб 80 фоизи иқтисодиётнинг қайта ишлаш тармоқлари томонидан таъминланаётганлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг эътибори хом ашёни жаҳон бозорига талаб этилган тайёр маҳсулотга чуқур қайта ишлашнинг 3-4 босқичли циклларида ўтишни назарга тутувчи 2020, 2025 ва 2030 йилларга ҳисоблаб чиқилган саноатнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқишни тугаллашни жадаллаштириш ва тасдиқлаш учун киритиш зарурлигига қаратилди.

(Давоми 2-бетда).



ФОРУМ

Кеча Тошкент шаҳрида “Green Forum — 2016” илмий-техникавий форуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти ҳамда Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) кўмағида ташкил этилган мазкур тадбирда тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, юртимизда фаолият юритаётган халқаро ташкилотларнинг вакиллари қатнашди.

Муқобил энергия — юқори самарадорлик гарови

Тадбирда таъкидландики, Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган янгилаш ҳамда ўзгаришлар саноат тармоқларига “яшил иқтисодиёт” тамойилини жорий қилиш, инновацион тараққиётни жадаллаштириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган билан аҳамиятлидир. Айниқса, ижтимоий-иқтисодий ривожла-

нишининг муҳим омил бўлган энергетика тизимини модернизациялаш, энергия олишнинг муқобил йўллари ишлаб топиш борасида ҳаётга изчил татбиқ этилаётган ислохотлар самарадорлиги кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Дарҳақиқат, юртимизда электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш суръатлари оширилиши

баробарида, мазкур жараёнда фойдаланиладиган табиий ресурслар сарфини камайтириш мақсадида муқобил энергияни кўпроқ қўллаш пайдан бўлимоқда. Бу углеводород хом ашёсини тежаш билан бирга, атроф-муҳит муҳофазатини сақлаш, экологик барқарорликка эришиш имконини бераётди.

(Давоми 2-бетда).



Ёшлар тарбияси ва масъулият

Бухорода “Оила — маҳалла — таълим муассасаси ҳамкорлиги механизмининг татбиқ этишнинг амалий жиҳатлари” мавзuida ўқув-семинар ўтказилди.

Унда ёш авлодга замон талаблари ва миллий қадриятларимиз асосида таълим-тарбия бериш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ўғил-қизларни турли маънавий таҳдидлардан асраш масалалари юзасидан фикр юритилди. Оила, маҳалла, таълим муассасалари, давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича вазифалар

белгиланди. Бунда “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” жамоатчилиги кенгаши аъзолари зиммасидаги масъулият катталиги таъкидланди.

Иштирокчилар, шунингдек, Бухоро шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида шу йўналишда тўпланган бой тажриба билан танишдилар.

Ҳамкорлик механизмининг мустаҳкамлашга хизмат қиладиган бу каби тадбирлар вилоятнинг барча шаҳар ва туманида ўтказилади.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Республиканинг бир қанча ҳўжалик бирлашмалари, йирик корхоналари, вилоятлари ва туманлари ҳокимликлари раҳбарлари олдиға 2016 — 2020 йилларда мева-сабзавот, гўшт-сут маҳсулотларини, рангли ва нодир металлارни чуқур қайта ишлаш тадбирлари ўз вақтида ва сифатли амалға оширилишини сўзсиз таъминлаш ва қабул қилинган мақсадли параметрларға эришиш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашиға, вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ҳокимликлар ҳузурида янгидан ташкил этилган ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича йлғма бошқармаларнинг самарали ишлашини ташкил этиш, шунингдек, тармок тузилмалари билан биргаликда минтақаларнинг саноат салоҳиятини жадал ривожлантириш, жойларда юқори қўшилган қийматли, шу жумладан, экспортға етказиб бериладиган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича янги юқори технологик ишлаб чиқаришларни ташкил этишнинг дастурий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш юзасидан комплекс қўшимча чора-тадбирлар қўриш топширилди.

Саноат ишлаб чиқаришини узлуксиз техник ва технология жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилмасининг замонавий объектларини қуриш бошланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашиға, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

лар ҳажмлари 8,5 фоиз, шу жумладан, хорижий инвестициялар 14,4 фоиз ўсишиға кўмаклашганлиги қайд этилди. 2016 йилги Инвестиция дастури доирасида 368 та янги инвестиция лойиҳасини амалға ошириш бошланди, улар бўйича қуриш ва реконструкция қилишға пудрат шартномалари белгиланган тартибда тузилган. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотларнинг 37 та янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ жойларда намунавий уй-жойлар қуриш лойиҳалари фаол амалға оширилмоқда. Фарғона водийси вилоятларини республиканинг қолган ҳудуди билан тўғридан-тўғри темир йўл қатнови билан бирлаштирадиган янги электрлаштирилган “Ангрен — Поп” темир йўли қурилиши тугалланмоқда. “Самарқанд — Бухоро” темир йўлини, йўловчилар ташиш поездларининг юқори тезликда ҳаракатланишини ташкил этган ҳолда, электрлаштириш лойиҳаси жадал суръатларда амалға оширилмоқда. Замонавий технология бўйича кенг полосали фойдаланишнинг 500 километрдан ортиқ оптик толали тармоқларини қуриш ва захираға қўйиш амалға оширилди. Қишлоқ тураржой массивларида 13 мингта янги ишнам уйлар, ушбу массивларда ижтимоий ва бозор инфратузилмасининг замонавий объектларини қуриш бошланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашиға, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

ҳокимликларига иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида қурилиш ишларига ўсиб бораётган талабни ҳисобға олган ҳолда, 2016 йилда 400 тадан ортиқ янги, молиявий барқарор ва зарур техника билан жиҳозланган қурилиш ҳамда монтаж ташкилотларини ташкил этишни таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар қўриш топширилди.

Мажлисда маҳсулот экспортининг тузилмасини диверсификациялаш ва турларини кенгайтириш, янги ташки бозорларни ўзлаштириш, шу асосида 2016 йил учун белгиланган экспортнинг прогноз параметрларига эришишни таъминлаш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлигини ҳар томонлама таҳлил қилишға алоҳида эътибор берилди. Жаҳон бозорларида талабнинг кескин қисқаришиға, кучайиб бораётган ноаниқликка ва қаттиқ рақобатға қарамай, экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантириш ва маҳсулотларнинг ташки бозорларға кириб боришини зарур тарзда қўллаб-қувватлаш юзасидан Ўзбекистонда қўрилаётган самарали чора-тадбирлар экспорт ҳажмлари ўсиши тенденциялари ва ташки савдо айланмасининг ижобий сальдосини таъминлаётганлиги қайд этилди. Йил бошидан бошлаб олдин ўз маҳсулотларини экспорт қилмаган 583 та янги корхона экспорт фаолиятига жалб этилди, шунингдек, маҳсулотларнинг 95 та янги турини экспорт қилиш ўзлаштирилди.

Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирлиқлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари,

йирик корхоналар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг эътибори экспортға етказиб беришни кўпайтиришнинг барча мавжуд захираларини аниқлаш ҳамда сафарбар қилиш, янги бозорларни ўзлаштириш, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, янги ишлаб чиқариш корхоналари, фермер ҳўжаликлари, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг экспортдаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича комплекс қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалға оширишнинг зарурлигиға қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан янгидан ташкил этилган “Ўзбекөзқовқатхолдинг” холдинг компанияси ва унга идоравий мансуб иқтисослаштирилган “Узгроэкспорт” ташки савдо компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги раҳбарлари олдиға белгиланган мақсадли параметрларға мувофиқ, янги узилган ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини жорий йилда экспортға етказиб бериш ҳажмлари бўйича ўз вақтида контрактлар тузилишини таъминлаш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида акциядорлик жамиятларининг устав капиталларига хорижий инвесторларни жалб этиш ва корпоратив бошқарув, шунингдек, давлат улушлари ва активларини, шу жумладан,

“ноль” сотиш қиймати билан сотиш ҳисобига давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари амалға оширилиши чуқур таҳлил қилинди. Жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида 178 та давлат активи 216 миллиард сўмға яқин инвестиция мажбуриятлари қабул қилинган ҳолда, хусусий мулкка сотилганлиги қайд этилди. Устав фондларида давлат улушлари бўлган акциядорлик жамиятлари сони 2015 йилнинг шу давридаги 378 та ўрниға 209 тагача қисқарди.

Ҳўжалик бирлашмалари, акциядорлик жамиятлари раҳбарларига Давлат рақобат кўмитаси билан биргаликда 2015 йил ноябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган Халқро инвeстиция форумида эришилган ахдлашувларға мувофиқ, давлатнинг ва ҳўжалик бирлашмаларининг активларини хорижий инвесторларға сотишни тезлаштириш юзасидан амалий чора-тадбирлар қўриш топширилди. Улар олдиға, шунингдек, акциядорлик жамиятларининг устав фондларида хорижий капитал улушини камида 15 фоиз микдорида таъминлаш мақсадида уларнинг устав фондларига потенциал хорижий инвесторларни фаол жалб этиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, республика вазирликлари, идоралари, ҳўжалик бирлашмалари, йирик корхоналари ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Республика Ҳукуматининг мажлисиға киритилган масалаларни муҳокама қилиш яқунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2016 йил мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари амалға оширилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Ў.А.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилға мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида ижтимоий соҳани тараққий топтириш, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини янада юксалтириш билан боғлиқ масалалар бундан буён ҳам диққат-эътиборда бўлишини алоҳида таъкидлаган эди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш депутатлар эътиборида

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида ижтимоий соҳаға устувор йўналишлардан бири сифатида аҳамият қаратиб келинмоқда. Бу борадаги амалий ишлар юртимизда ижтимоий адолат таъминлашиға, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кеңиришлари учун барча зарур шароит яратилишиға имкон бераятти.

Аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи ҳам доимий эътибордаги масалалардан бири бўлиб, ҳар йили ҳукуматимиз томонидан Бандлик дастури ишлаб чиқирилиши, унинг парламентда муҳокамадан ўтказилиши ҳамда тасдиқланиши бунинг амалий исботидир.

Бинобарин, 2016 йилда мамлакатимизда Дастур асосида 990 мингта яқин янги иш ўринларини яратиш мўлжалланмоқда. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаларини изчил ривожлантириш ҳисобидан 660 мингдан зиёд иш ўринлари очилди. Олий ўқув юрлари, лицей ҳамда коллежларнинг 510 мингдан зиёд битирувчилари бандлигини таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан Дастурда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида тўлиқ ҳамда самарали бажарилишиға катта аҳамият берилмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг яқинда бўлиб ўтган ййгилишида ана шулар хусусида атрофлича сўз юритилиб, Бандлик дастури ижроси устидан таъсирчан парламент назоратини амалға ошириш

масалалари муҳокама қилинди.

Унда фракция аъзолари парламент куйи палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси томонидан режалаштирилган Бандлик дастури кўрсаткичларининг Сурхондарё вилоятидаги ижросини ўрганиш мақсадида ушбу вилоятда назорат-таҳлил тадбирини ташкил этиш масаласини атрофлича кўриб чиқдилар.

Депутатлар сайловчилар билан ўтказилган учрашувларда қўйрилган масалалар таҳлили асосида, жойларда мазкур соҳада ҳали ечимини кутаётган муаммолар борлигини таъкидладилар. Вилоятда Бандлик дастури параметрлари ижросини таъминлашда кичик бизнес, шу жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишларға алоҳида аҳамият қаратилиши лозимлиги айтиб ўтилди.

Муҳокама жараёнида билдирилган тақлиф ҳамда тавсиялар асосида депутатлар томонидан Сурхондарё вилоятида Дастур ижроси самарадорлигини ўрганиш давомида амалға оширилиши лозим бўлган аниқ вазифалар белгиллаб олинди.

Дастурнинг изчил ижро этилишида маҳаллий Кенгаш депутатларини кенг жалб қилиш, улардаги депутатлик гуруҳларининг ҳам эътиборини қаратиш лозимлигиға урғу берилди. Ййгилиш яқуниде билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида фракциянинг тегишли тақлифлари ишлаб чиқилди ва масъул кўмитаға тақдим этилди.

Зиёда АШУРОВА.

Модернизация тадбирлари натижаси

Нишон туманидаги “Станок монтаж автоматика сервис” масъулияти чекланган жамиятида амалға оширилган модернизациялаш тадбирлари натижасида металлға ишлов бериш йўли билан турли ўлчамдаги мурватлар, мих ва бошқа эҳтиёт қисмлар ҳамда қурилиш материаллари тайёрлашға киришилди.

ИНТИЛИШ

Маълумки, технологик ускуналарни бирлаштириб, бир бутун агрегат ёки дастгоҳ ҳолиға келтириш учун қўллаб-бутловчи ашёлар зарур бўлади. Илгари четдан олинган бундай воситалар эндиликда корхонанинг ўзида ишлаб чиқариладиган бўлди.

— Шу кундан, асосан, металл кесувчи ва хом ашёға ишлов берувчи дастгоҳларни таъмирлаш, электр ускуналарни модернизация қилиш, монтаж ҳамда техник хизмат кўрсатиш билан шугулланиб келардик, — дейди

МЧЖ раҳбари Шоймардон Нормуратов. — Ҳозир эса фаолиятимиз қамрови янада кенгайган. Бу, албатта, даромадға даромад қўшиб, янги иш ўринлари яратилишини таъминлади. Келгусида ишлаб чиқаришни тўлиқ маҳаллийлаштириш, металл конструкцияли панжалар, дарвоза, шунингдек, алюминий профили эшик ва деразалар, шлакоблок каби қурилиш материаллари тайёрлашни ҳам мақсад қилганмиз.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимизнинг 2015 йил 5 майдаги қарори билан тасдиқланган 2015 — 2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда энергия ҳажмини қисқартириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастури ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди. Негаки, унда маҳсулот тайёрлаш чоғида ишлатиладиган

Муқобил энергия — юқори самарадорлик гарови

энергия сарфини қисқартириш, бунинг учун тежамкор ускуна ҳамда мосламалар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, бино ва иншоотлар қурилишида энергия самарадорлигини таъминлаш, шунингдек, муқобил энергия манбаларини ривожлантириш, улардан саноат усулида фойдаланиш бўйича аниқ вазифалар белгиллаб берилди. Уларнинг ижроси таъминланаётгани тўғрисида асосий таъминоти ютуқлар қўлга киритилаяпти.

Форумда сўзға чиққанлар таъкидлаганидек, ноанъанавий энергия ресурслари, жумладан, қуёш энергиясидан фойдаланиш учун Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудудида табиий имкониятлар мавжуд. Шу боис турли қувватлардаги фотоэлектрик станциялар, қуёш энергияси билан сув иситадиган қурилмалар ишлаб чиқариш ўзлаштирилаяпти. Хусусан, ўтган йили Наманган вилоятининг Поп туманида 130 киловатт қувватда эга бўлган қуёш фотоэлектр станцияси ишға туширилди.

Айни пайтда мазкур станцияда тажриба-синов ишлари олиб борилаётир. Унинг натижалари 2020 йилгача фойдаланишға топшириш режалаштирилган, ҳар бири 100 мегаватт қувватға эга яна учта қуёш электр станцияси учун қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Тадбирдан кўзланган мақсад ҳам иқтисодиёт тармоқларига энергия тежовчи технологияларни кенгроқ жорий этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг ҳозирги аҳоли ва унинг истиқболларини муҳокама қилишдан иборатдир.

Сандя РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кичик бизнес субъектлари

ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдиришға муносиб ҳисса қўшмоқда



Ҳосан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Мирзаобод туманидаги “Баҳромжон нур савдо” хусусий корхонаси жамоаси қисқа вақт ичида ўнлаб қурилиш ва савдо ташкилотларининг яқин ҳамкорига айланди.

Гап шундаки, мазкур корхона ишға тушгач, нафақат вилоятдаги, балки республикамизнинг бошқа ҳудудларидаги ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳам унинг лок-бўёқларини бажонидил харид қилмоқда. Сабаби, ортиқча вақт ҳамда маблағ сарфланмайди, энг муҳими, маҳсулот сифати юқори, нархи эса ҳамёнбоп.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ

— Биз Италия технологияси асосида мавжуд 4 та цехимизда йилига минг тонна лок-бўёқ тайёрлаш имкониятиға эгамиз, — дейди корхона директори Муроджон Абдурахимов. — Шу билан бирга, буюртмачиларимизға шпатлёвка ҳам етказиб бераймиз.

Яна бир муҳим жиҳати шуки, корхонада лок-бўёқларни қадоқлашда никель идишлардан фойдаланилмоқда. Мутахассислар-

нинг фикрича, ушбу усул маҳсулотнинг узок вақт яроқчилиги ҳамда суюқлигини сақлаш баробарида, уни манзилға исрофсиз элтишни кафолатлайди.

Жамоа, асосан, ёшлардан иборат эканлиги эътиборға лойиқ. Корхонанинг ўзида малакали мутахассислар кўмағида улар маҳоратини ошириш қаторида, махсус ўқув-машгулотлар йўлга қўйилгани ёш ишчиларнинг соҳадаги янгиликлардан доимо хабар-

Намунанинг намунавий уйлари

Бешариқ туманининг “Қоражийда” қишлоқ фуқаролар ййғинига қарашли Намуна қишлоғида намунавий лойиҳалар асосида 21 тураржой бунёд этилиб, ўз эгаларига топширилди.

БУНЁДКОРЛИК

— Янги массивимиз “Кўқон — Бешариқ” автомобиль йўли ёқасида жойлашган, — дейди тумандаги “Иқбол Т” фермер ҳўжалиги раҳбари Шухратжон

Маҳмудов. — Кейинги йилларда ҳудудимиз обод бўлиб бораётти. Мана, мен ҳам кўллаб ҳам-қишлоқларим қатори ҳавас қилса арзигулик намунавий уйлардан

Маъмур МУСУЛМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Президентимизнинг 2013 йил 25 июлдаги “Қарши шахрининг йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ва қурилишининг истикболли режаси Дастури тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Қаршини айланаб ўтувчи 56 километрик халқа йўли бунёд этилиши натижасида шаҳар ичидаги қатнов 50 фоиз, халқаро транзит юklarини ташувчи транспорт воситаларининг ўтиши эса юз фоиз қисқаради.

Транспорт-коммуникация тармоқлари

худудлар тараққиёти ва аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этапти

Шунингдек, бу ерда умумий узунлиги 30 километрдан зиёд бўлган 6 та радиаль-магистраль йўли ҳамда шаҳардаги ички йўлларнинг кенгайтирилиши, Шахрисабз, Бухоро, Самарқанд, Термиз йўналишларида 5 та янги автостанция барпо этилиши билан ҳайдовчилар учун ҳам, йўловчилар учун ҳам янада қулай шарт-шароитлар яратилади. Эътиборлиси шундаки, ҳозирги пайтга қадар Бешкент ва Китоб туманларида ана шундай замонавий автостанциялар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Таъкидлаш жоизки, аҳолига сифатли транспорт хизматлари кўрсатишда давлатимиз раҳбари-

нинг 2006 йил 9 мартдаги “Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тadbиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлаётир.

Айни пайтда Қашқадарё вилоятида фаолият кўрсатаётган 134 та транспорт уюшмасига 2938 та автотранспорт воситаси эгалари аъзо бўлиб, улар ўзларига тегишли автобус ҳамда микроавтобуслар, турли русумдаги енгил ва юк машиналари орқали аҳолига хизмат кўрсатапти.

Маълумот ўрнида айтиш мум-



кинки, ўтган йили лицензия асосида фаолият юритган транспорт воситалари 145 тадан Албатта, автомобиль транспорти хизматлари кўрсатишда бозор муносабатларини ва

соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилаётганлиги энг чекка ҳудудларга ҳам йўловчи ташиш хизматлари кириб боришида қўл келаяпти. Дейлик, ўтган йили йўловчи ташиш билан шуғулланувчи тadbиркорлар томонидан “Isuzu” русумли 68 та автобус сотиб олиниб, Қарши шаҳридаги 6-сонли “Темир йўл вокзали — Отчопар маҳалласи” йўналишида, шунингдек, Миришкор, Китоб туманлари ички йўлларида катновлар йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, бир йил мобайнида 15 маротаба тендер танлови ўтказилиб, 114 та таксиди йўналиши очилиши вилоят ахлининг узогини яқин қилишга ёрдам бермоқда.

Қисқача айтганда, транспорт-коммуникация тармоқларининг тобора замонавийлашиб бораётгани ҳудудлар тараққиёти ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётир.

Шерзод НОРОБООЕВ, Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлимининг бошлиғи.



Буюк Британиядаги йирик савдо мажмуалари тармоғига эга “Tesco” компанияси фаолиятида охириги уч йил ичидаги илк ижобий натижа қайд этилди.

Илк ижобий натижа

Яъни унинг супермаркетларида савдо-сотиқ ҳажми ўтган йилнинг декабрь ойидан шу йилнинг февралигача 0,9 фоиз ўсди. Натижада даромади прогноз қилинганидан кўра кўпроқ — 944 миллион фунт стерлинг (1,2 миллиард евро)ни ташкил этди.

Маълумот ўрнида ай-

тиб ўтиш жоиз, “Tesco” 2014 йилда бухгалтерия ҳисоб-китобларидаги камчиликлари ва рақобатдаги муваффақиятсизликлари туфайли мураккаб аҳволга тушиб қолганди. Ўшанда активларининг бир қисмини сотишга ҳамда Жанубий Кореядаги иш ўринларини қисқартиришга мажбур бўлганди.

Зилзилалар қайд этилди

Япония жанубида 7,1 магнитудага тенг зилзила рўй берди.

Бунинг оқибатида тўққиз киши ҳаётдан кўз юмди, минг нафардан зиёд аҳоли эса жароҳатланган. Қўплаб тураржой бинолари вайронга айланган, айрим жойларда ёнгинлар келиб чиққан. Бу икки кун мобайнидаги тўртинчи ер силкинишидир.



Айтиш жоизки, бунгача дastлаб 6,5 магнитуда, сўнг 6 ва 5 магнитудага тенг яна иккита такрорий зилзила кузатилган.

Интерьерлар рейтинги

АҚШнинг “Ward’s Auto” нашри экспертлари томонидан энг диққатга сазовор интерьерга эга автомобиллар рейтингини эълон қилинди.



Мазкур рўйхатни тузишда транспорт воситаларининг дизайни, пардоз сифати, қулайли-

ги, хавфсизлиги, мультимедиа интерфейсларидаги ўзаро уйғунлик каби қўплаб жиҳатларга эътибор қаратилди. 47 та бренд орасидан 10 та энг яхши русум аниқланди. Хусусан, дastлабки учта ўринни “Audi TTS”, “BMW” ва “Cadillac XTS” моделлари эгаллади.

Музтоғлар ажралиб чиқди

Европа космик агентлиги маълумотига кўра, Антарктидадаги Нансен шельфидан иккита йирик музтоғ ажралиб чиқди. Улар Росс денгизи шимоли-шарқий оқими бўйлаб ҳаракатланаяпти.

Ушбу муз бўлакларининг умумий ҳудуди 25,87 квадрат километрга, ҳар бирининг эни эса 5 километрга тенг. Қалинлиги 250 — 270 метр атрофида. Мутахассисларнинг билдиришича, улар денгиз йўллари ва Терра Нова бўғозидagi илмий станцияларга хавф туғдирмайди.



Футболда янги қоидалар

Халқаро футбол ассоциациялари кенгаши (IFAB) расмий сайтида баён қилинишича, “миллионлар ўйини” қоидаларига бир қатор ўзгартаришлар киритилади.

Жумладан, жарима майдончаси ичидаги қўполлик учун энди ҳакам ҳам пенальти белгилаб, ҳам айбдор ўйинчига қизил карточка кўрсатиши шарт бўлмайди. Бунинг учун жарима тўпи ҳамда сариқ карточка берилса kifоя. Ўз навбатида, футболчилар баҳс бошлангунга қадар бирор жойда, масалан, трибуна остидан чиқиб келаятганда, ўзаро жанжаллашишса, айбдорлар ўйинга қўйилмайди. Агар таркиб эълон қилинган

бўлса, келишмовчилик сабабчиси ўрнига ўша жамоанинг бошқа аъзоси киритилади. Ҳакамга асосий таркиб ёки захира ўйинчилари таҳдид қилса, улар дарвожаси томон жарима зарбаси белгиланади. Ўйиндан ташқари ҳолатларда рақибга бош билан берилган ҳар қандай зарба қизил карточка билан жазоланади. Ушбу янгиликлар 2016/2017 йилги мавсумдан эътиборан амалиётга киритилади.

Юз ёшли парашютчи

Англиялик Вердус Хаес юз ёшга тўлган кунини антиқа усулда нишонлади.



У таваллуд санасида йўриқчи ёрдамида парашютда сакради. Вердуснинг бу ўзига хос жасорати “Гиннеснинг рекордлар китоби”га “Энг кекса парашютчи” сифатида киритиладики ёки йўқми, ҳозирча номаълум.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



XALQ BANKI

КОРХОНА
ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

АТ Халқ банки

2016 йилги фаолиятини ташқи аудитдан ўтказиш мақсадига халқаро аудиторлик компаниялари ўртасида танлов муддатини узайтирганини эълон қилади.

1. Танловда танлов асосида танлаб олинган, аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.
 2. Танлов комиссияси ишчи органи манзили ва телефони:
Акциядорлик тижорат Халқ банки, 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темури шоҳқўчаси, 3-уй. Телефонлар: (+99871) 120-17-49, 120-17-48. E-mail: marketing@xb.uz
 3. Танлов мақсади — Халқ банкининг 2016 йилги фаолиятини ташқи аудитдан ўтказиш мақсадида халқаро аудиторлик компаниясини аниқлаш.
 4. Танлов ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни www.xb.uz сайтидан, шунингдек, душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ҳамда телефонлар орқали олиш мумкин.
 5. Тижорат таклифлари (аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензияси ва нархлари алоҳида конвертда, ташкилот муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим) 2016 йил 27 апрель кунин Тошкент вақти билан соат 17.00 га қадар қабул қилинади.
- Такдим этилган тижорат таклифлари танлов шартларига жавоб бермаган тақдирда, ушбу ташкилотлар мазкур танловда қатнашмайди.

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари, йирик саноат корхоналари ва бошқа ташкилотларда фан ва техниканинг турли соҳалари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб бориб, ўзининг патент билан ҳимояланган ихтиро ҳамда ишланмаларига эга бўлган профессор-ўқитувчилар, олимлар, илмий ходимлар ва тадқиқотчилар ҳамда инновацион ишланмаларни ўз фаолиятларида самарали татбиқ қилган саноат корхоналари ва тadbиркорлик субъектлари диққатига!

Маълумки, жорий йилнинг 11 — 13 май кунлари Тошкент шаҳрида IX Инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси ўтказилиши режалаштирилган.

Мазкур ярмарка доирасида Ўзбекистоннинг энг яхши ихтирочиси ҳамда ўз фаолиятида инновацион технологиялар ва интеллектуал мулк объектларини самарали жорий этган ташкилот Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг «Энг яхши ихтиро» медали ҳамда «Интеллектуал мулк соҳасида энг яхши корхона» мукофоти билан тақдирланиши кўзда тутилган*.

Ғолиблар танлов асосида аниқланади. Мазкур танловда қатнашишни хоҳловчилар танлов шартлари ва ўтказилиш тартиби хусусида Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг www.ima.uz манзилида жойлаштирилган расмий веб-сайтига ёки (0-371) 232-50-24, 232-50-27 телефонлари орқали мурожаат қилишлари мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилардан ҳужжатлар жорий йилнинг 2 майига қадар қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳқўчаси, 59-уй.

* Танловнинг «Энг яхши ихтиро» йўналишида 2011 — 2016 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ихтирога бўлган патентини олган патент эгаларига иштирок этишлари мумкин.

«Бухоро ҳамкорлик савдо» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдоси 2016 йил 13 май кунин соат 11.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 12-уйда бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризалар 2016 йил 12 май кунин соат 11.00 гача қабул қилинади.

Савдога Ромитан тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

- «Бухорогўшт» МЧЖнинг 99,8 фоиз товар-моддий бойликлари.

Бошланғич баҳоси — 1 576 041 685 сўм.

- 2015 йилда ишлаб чиқарилган, «MAN CLA 26/280» русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси — 446 310 000 сўм.

Ушбу мулклар 2016 йил 13 майдаги савдода сотилмай қолган тақдирда, олдинги шартлари ўзгармаган ҳолда, 2016 йил 31 май кунин бўладиган савдога чиқарилади.

Савдоларда қатнашиш истагидаги шахслар қуйидаги ҳужжатларни такдим этишлари шарт: мулкни сотиб олиш учун ариза, закалат тўғрисидаги келишув

шартномаси, савдо ташкилотчисининг АТИБ «Ипотека-банк»нинг «Сардор» филиалидаги МФО: 00119, СТИР: 300615974, 20208000604658859001 ҳисоб рақамига мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи микдоридаги гаров пули тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати асл нусхаси, жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси. Аукцион савдосида ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома такдим этилади.

Аризалар «Бухоро ҳамкорлик савдо» МЧЖда (шанба ва яшанба ҳамда байрам кунларидан ташқари) қабул қилинади. Иштирокчиларга аукцион савдоси тўғрисида эълон чоп этилган пайтдан бошлаб аукционга қўйилган мулк ва автотранспорт воситаси билан танишиш имконияти яратилади.

Гувоҳнома № 0000520.

Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 12-уй. Телефон: (0-365) 221-58-87.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда “Ўзсувназорат” республика сув инспекцияси жамоалари узок йиллар инспекция раҳбари лавозимида ишлаган

Ҳамдам УМАРОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ҳамда Касаба уюшма қўмитаси магистратура бўлими бошлиғи, доцент Бахтиёр Усмонова онаси

Ёкутхон

ПАЙЗУЛЛАЕВанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Сайёҳлик — жаҳон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири. Мамлакатимизда ҳам бу соҳа жадал ривожланмоқда. Туристлик йўналишлар кенгайиб бораётгани, замонавий меҳмонхоналар қурилиб фойдаланишга топширилаётгани, тизим учун малакали кадрлар тайёрланаётгани шулар жумласидандир. Буни сайёҳлик салоҳияти юқори саналган вилоятимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Айтиш жоизки, Бухоро-га хар йили ўртача 115 минг нафардан зиёд хорижлик меҳмонлар ташриф буюрапти. Уларга кўрсатилаётган ялпи хизматлар ҳажми йилига ўртача 13 миллиард сўмдан зиёдни ташкил қилмоқда. Айниқса, истиклол йилларида чет элликларнинг қадимий воҳамизга қизиқиши ҳар қачонгидан-да кучайди. Бу эса, табиийки, инфратузилмани такомиллаштиришни тақозо этади. Ана шу йўналишда амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда.

Хозир вилоятимизда ўттиз бешдан зиёд туристлик фирмалар фаолият кўрсатаётган бўлса, меҳмонхоналар сони салкам юзтани ташкил қилмоқда. Ваҳолонки, бундан 25 йил муқаддам сайёҳлар учун атиги иккита меҳмонхона мавжуд эди.

Шубҳасиз, меҳмонларни, биринчи гада, халқимизнинг бой маданий мероси, осориюмалари, тарихий обидалари қизиқтиради. Шу нуқтаи назардан, юртимизда қадимий ёдгорликларнинг кўз қорачиқидек асраб-авайлаб келинаёт-

гани, миллий хунармандчилик равнақ топаётгани, манзиллар обод этилаётгани, хизмат кўрсатиш сифати ошаётгани айтиш мумкин. Яна бир мисол. Яқинда шахримизнинг қадимий

ХИЗМАТ

Шайх Жалол дарвозаси ёнидаги кўҳна қалъа деворлари олдида сайёҳларга мўлжалланган миллий чойхона қурилиб фойдаланишга топширилди. “Шам” деб номланган ва ўтов шаклида барпо қилинган мазкур экзотик масканда 20 га яқин турдаги миллий таомлар тайёрланади. Вилоят ҳокимлигининг тегишли дастурига мувофиқ, йил охиригача урф-одатларимиз, анъаналаримизни ўзида мужассамлаштирган ўн бешга яқин ана шундай кўнгилочар

масканлар бунёд этилади.

Дарвоқе, келгусида экотуризм, агротуризмни ривожлантириш, сайёҳлар учун қадимий Варахша, Пойкент шаҳарлари бўйлаб йўналишлар ташкил қилиш ҳам режалаштирилган. Агар Бухорода юсак деҳқончилик маданияти шаклланишини, “Жайрон” экомаркази, бой табиати билан ажралиб турадиган саҳро ва чўللар, кўппаб кўллار мавжудлиги назарда тутилса, экотуризм маршрутлари ҳам истиқболли эканлиги ойдинлашади.

Бинобарин, биз нуфузли туристлик фирмалар ҳамда ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, вилоятимизга сайёҳлар оқими кўпайтириш тadbирларини кўраялмиз. Халқаро ярмаркаларда фаол қатнашиб, соҳа му-

тахассислари эътиборини юртимизнинг туристлик салоҳиятига қаратмоқдамиз. Шу маънода, Бухорода ташкил этилаётган анъанавий “Ипак ва зирворлар” фестивали катта аҳамиятга эга. Жорий йилнинг май ойи охирида ўтказилиши кўзда тутилаётган мазкур тadbирда ЮНЕСКО ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари, чет эллик мутахассислар қатнашади. Шу муносабат билан кўҳна шаҳарда айтиш кўнларда кенг қамровли ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти. Боғу хиёбонлар ҳамда марказий кўчалар бўйларига манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Бир миллион тупдан зиёд мавсумий гул нихоллари экилди. Қадимийлик ва замонавийлик уйғунлашган, илм-маърифат маскани сифатида донг таратган Бухорои шарифни янада файзли ҳамда кўркем гўшага айлантириш тadbирлари давом этмоқда. Шахримиз обод манзиллари, бой маданий мероси ва меҳмондўст одамлари билан хорижлик меҳмонларни ўзига мафтун айлаши, шубҳасиз.

Шерзод МАҲМУДОВ,
«Ўзбектуризм»
Миллий компаниясининг
Бухоро минтақавий
бўлими бошқарувчиси.



Бохтиёр МУСТАЎОВ олган сурат.

Муассаса имконияти кенгайди

Самарқанд шаҳридаги вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида 2014—2015 йиллар давомида қарийб саккиз миллиард сўмлик реконструкция ва жиҳозлаш ишлари олиб бориладигани. Жорий йилда ҳам муассаса ҳудудини ободонлаштириш ҳамда ёрдамчи бинолар қуриш учун бир миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилган.

— Реконструкция ишларидан сўнг ушбу шифо масканидаги мавжуд ўринлар сони 320 тадан 390 тага етказил-

ди, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиги Баҳодир Эгамбердиев. — Қолаверса, болаларда учрайдиган хасталикларга тезкор ва аниқ ташхис қўйиш ҳамда уларни самарали даволаш имконияти янада кенгайди.

Умуман, жорий йилда ҳудудий Инвестиция дастурига мувофиқ, вилоятдаги 11 тиббиёт муассасасида 30 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилиши режалаштирилган.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БАНК ТИЗИМИ

Молиявий инфратузилма институтларини ривожлантириш, янги банк хизматларини амалиётга татбиқ этиш, мавжудларини эса янада такомиллаштириш мамлакатимиз молия-банк тизимида амалга оширилаётган ишларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Натижада кўрсатилаётган хизматлар тури кўпайиб, кўлами эса тобора кенгайиб борапти. Бунга “Асака” акциядорлик тижорат банкининг Жиззах вилояти филиали фаолияти аққол мисол бўла олади.

Дарҳақиқат, мазкур филиал жамоаси томонидан кўрсатилаётган хизматлар тури йилдан-йилга кенгайиб, сифати ҳам тобора яхшиланиб борапти. 2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, унинг кредит портфели ҳажми 143,4 млрд. сўмдан ошгани, кўйилмаларининг асосий қисmini узок муддатли кредитлар ташкил этгани бунинг исботидир.

Шу билан бирга, самарали депозит сиёсати юритилиш, маблағларнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш мақсадида муайян

ишлар олиб борилаётган. Пировардида жисмоний ва юридик шахслардан жалб этилаётган маблағлар ҳажми ортиб, нафақат иқтисодиётнинг реал секторига йўналтириляпти, балки омонатчилар, миҳозлар ҳамда акциядорларнинг манфаатларига мос равишда кўпайтирилмоқда.

Юртимизда ишбилармонларнинг эмин-эркин фаолият юритиши учун ҳуқуқий, ташкилий асос яратилгани, шунингдек, молиявий тарафдан кўллаб-қувватланаётгани туфайли соҳа жадал сўрьатларда ривожланмоқда. Соҳа вакиллари, айниқса, ҳудудлар саноат салоҳиятини ошириш, аҳоли бандлигини ва турмуш фаровонлигини таъминлашга салмоқли хисса қўшаётган. Бу, албатта, банк филиали жамоаси кичик бизнес вакилларининг истиқболли лойиҳаларини молиялаштиришга устувор аҳамият қаратиб, жорий йил биринчи чораги давомида 20,4 млрд. сўмлик кредитлар айти шу мақсадга ажратилгани самарасидир.

Таъкидлаш кераки, ушбу жараёнда тadbиркор аёллар томонидан тақдир этилган лойиҳаларга ҳам алоҳида аҳамият қаратиляпти. Чунки улар опа-

сингилларимиз, хусусан, касб-хунар коллежларини битираётган қизларнинг бандлигини таъминлаш, жамиятда ўз ўрнини топишга хизмат қилади. Шулар инобатга олиниб, ишбилармон аёлларга 4,0 млрд. сўмликдан зиёд имтиёзли кредитлар йўналтирилди. Ушбу сармояларнинг асосий қисми саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантиришга сарфлангани диққатга сазовордир.

Маълумки, касб-хунар коллежлари битирувчиларини бизнесга жалб этиш, шу орқали уларнинг бандлигига эришиш, даромад манбаини шакллантириш ёшларга оид давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири саналади. Шундан келиб чиқиб, банк филиали мутахассислари коллежларда ташкил қилинаётган турли анжуманлар ва тadbирларда фаол қатнашиб, битирувчиларга бизнес-режа тузиш, сармоялардан оқилона фойдаланиш, тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш бўйича йўл-йўриқлар кўрсатиб, зарур маслаҳатлар беришмоқда. Шу асосда асосланган бизнес-режага эга йигит-қизларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини тақдим

этувчи сертификатлар ҳам топшириляпти.

Реклама ўрнида

“Асака” банки сармоялари мақсадли йўналтирилаётгани туфайли кичик бизнес субъектларининг моддий-техника базаси ҳам мустаҳкамлашиб, молиявий салоҳияти ошмоқда. Зомин туманидаги “Jizzax Poultry” масъулияти чекланган жамияти ана шундай субъектлардан биридир.

Гап шундаки, паррандачиликка иختиссолаштирилган мазкур корхона банкнинг кредити эвазига фаолиятини қайта тиклабгина қолмасдан, балки барқарор ривожланаяпти. Пировардида 80 та қўшимча иш ўрни яратилди. Етиштирилаётган тухум ҳамда пархез гўштга бўлган талаб эса тобора ортмоқда. Албатта, бунда маҳсулотларнинг сифати юқори, нархи ҳам турдошларига нисбатан арзонлиги муҳим омил бўлаётган.

Банк миҳозлари фаолиятдан юқоридаги каби мисолларни кўппаб келтириш мумкин. Бунга улардан айримларининг дил сўзларини ўқиб, ўзингиз ҳам тўла ишонч ҳосил қиласиз.

МАДАНИЯТ хабарлари

“Баркамол авлод” болалар ижодиёти фестивалининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Иқтидор намоиши

Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил қилинган ушбу тadbир истеъоддорлари кашф этиётганлиги билан аҳамиятлидир. Қолаверса, бундан қўзланган мақсад ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақти мазмунли ўтишини таъминлаш ҳамда уларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида камол топтиришдир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги “Мақтабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида”ги қарори ихроси доирасида ўтказилган ушбу фестивалда туман босқичларида ғолиб бўлган олтинчи нафар ўғил-қиз ўз иқтидорини намоиш этди.

Яқунда тасвирий санъат, либослар дизайни, маржон тўқиш, дүппидўзлик, қўлол-қўш, юмшоқ ўйинчоқлар ва миллий қўғирчоқсозлик, гиламдўзлик, ёғоч ўймакорлиги каби йўналишлар бўйича ғолибликка эришганлар фестивалнинг мамлакат босқичида қатнашиш имкониятини кўлга киритди.

Ихтиёр МАҲМАТҚУЛОВ.

Гўзалликка ошуфталик

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетиди талабаларининг тасвирий санъат асарлари кўргазмаси очилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишланган мазкур кўргазмадан Мунира Жуманазарова, Раъно Зоҳидова, Зийнатхон Аминова сингари ёш мўйқалам соҳибаларининг муаззам шахрлар, обод қишлоқлар, тўкин бозорлар, муқаддас қадимжолар, миллий қадриятларимиз, урф-одат ҳамда анъаналаримиз акс этган ижодий ишлари ўрин олган.

Моҳира АДIZОВА.



Хуршид НОРКУЛОВ,
“Zomin sement”
масъулияти чекланган
жамияти раҳбари:

— Вилоятимизда кичик корхона очиб, маҳсулот тайёрлашни ёки хизматлар кўрсатишни йўлга қўяётган ишбилармонлар сафи кўндан-кўнга кенгайиб бормоқда. Чунки тadbиркорлик ҳаракати ривож учун барча қўлайлик яратиб берилган. Биз ана шу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, цемент ишлаб чиқаришга иختиссолаштирилган корхонани ишга туширдик.

Ушбу қурилиш материалига бўлган талабнинг ошиб бораётгани, табиийки, маҳсулот тайёрлашни кенгайтириш, мазкур жараёнга замонавий ускуналарни кенгроқ татбиқ этишни тақозо қилапти. Шу боис бизнес-режа тузиб, уни молиялаштириш учун “Асака” банкининг Жиззах вилояти филиалига тақдим этган эдик. Банк ходимлари ҳужжатларимиз билан танишиб қиқча, кредит ажратиш бўйича қарор қабул қилди. Банк маблағига эса янги бинони қуриб, фаолиятимизни кенгайтирдик. Натижада 80 нафар кишининг бандлиги таъминланди.

Хозирги кунда халқаро стандартлар талабига тўла жавоб берадиган юқори сифатли цемент маҳсулотлари тайёрланиб, буюртмачиларга пешма-пеш етказиб бериляпти. Муваффақиятларни

кўлга киритишимизда молиявий мададкор бўлган “Асака” банки жамоасидан миннатдормиз.

Улугбек МҲМИНОВ,
“Production and delivery”
масъулияти чекланган
жамияти раҳбари:

— Бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари кўлами кенгайиб, шаҳарсозлик ривожланаётгани боис қурилиш материалларига нисбатан талаб тобора ортмоқда. Шу эҳтиёжни таъминлашга, оз бўлса-да, ўз хиссамизни қўйиш ниятида гишт тайёрлашни йўлга қўйишга бел боғлаган эдик. Ниятимиз рўйида “Асака” банкининг молиявий кўмаги қўл келди. Яъни унинг Жиззах вилояти филиали томонидан имтиёзли шартларда ажратилган узок муддатли кредит ҳисобига хориждан илғор ускуналар олиб келиб, ишлаб чиқариш биносини замонавий лойиҳа асосида қайта реконструкция қилдик.

Хозирги пайтда кичик корхонамизда саккиз нафар киши ишляпти. Уларнинг ҳаммаси касб-хунар коллежлари битирувчилари эканлиги қувонарлидир. Ёшлар эса буюртмачилар талабига мос пишк ғишт ишлаб чиқариб, қурилиш объектларига етказиб беришляпти.

“Асака” банкида кўрсатилаётган тезкор ҳамда сифатли хизматлардан, айниқса, миҳозларга бўлган самийий муносабатдан қувонмаслик мумкин эмас. Бу “Миҳоз банк учун эмас, банк миҳоз учун” тамойили ҳаётда тўлиқ ифодасини топаётгани тасдиғидир.

Мухиддин ҲАЗРАТҚУЛОВ,
“Orzu Tekstil-SV”
масъулияти чекланган
жамияти раҳбари:

— Ички ва ташқи бозорга юқори сифатли саноат маҳсулотлари етказиб беришда кичик бизнес субъектларининг роли тобора ошиб борапти. Бизнинг корхонамиз ҳам шундай ишлаб чиқариш корхоналари сирасига кирди. Аҳил жамоамиз томонидан юртдошларимизга импорт ўрнини босувчи тикувчилик ҳамда тўқимачилик маҳсулотлари тақдим этилмоқда.

Замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган товарларимизга талаб эса нихоятда катта. Шу боис фаолиятимизни мунтазам равишда кенгайтириб бориш пайидан бўлялмиз. Бунда “Асака” банки вилоят филиали яқиндан кўмак бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айниқса, юқори маалаки ходимларнинг тadbиркорларга иқтисодий мавзуларга тушунтиришлар бериб, тезкор хизмат кўрсатаётгани ишончимизни янада мустаҳкамламоқда. Мисол учун, фаолиятимизни кенгайтириш бўйича тузган бизнес-режамиз истиқболли деб топила-гач, қисқа муддатда кредит ажратилди. Унинг эвазига хорижда замонавий тўқимачилик ҳамда тикувчилик ускуналари олиб келиб, 100 га яқин янги иш ўринларини ташкил этдик.

Келгусидаги режаларимиз кўп. Уларнинг ихросида ҳам “Асака” банки ўз ёрдами аямайди, деган умиддамиз.



Диёр НИЯЗҚУЛОВ,
“Богдон чорва барака”
масъулияти чекланган
жамияти раҳбари:

— Юртимизда бизнес юритиш учун яратилган қўлай шарт-шароитлар мени ҳам тadbиркор бўлишга ундади. Чорвачиликни ривожлантириш бўйича бизнес-режа тузиб, вилоятимиздаги нуфузли банклардан бири — “Асака” банки филиалига мурожаат қилдим. Зарур миқдордаги кредит банк томонидан тез фурсатда ажратиб берилди. Ушбу маблағ эвазига наслдор қорамоллар сотиб олиб, бизнес фаолиятимизни бошладик. Натижада олтига янги иш жойи яратилди.

Айни пайтда халқимизга гўшт маҳсулотларини етказиб бера-ялмиз. Келгусида эса сутни қайта ишлашни ҳам йўлга қўйиб, элимиз дастурхони янада файзли ва баракали

бўлишига ўз хиссамизни қўйиш ниятидамиз.

Албатта, бу борада ҳам бизнинг яқин ва ишончли ҳамкоримиз — “Асака” банки доимий мададкоримиз бўлади.

Дарҳақиқат, “Асака” банкининг Жиззах вилояти филиали жамоаси кичик бизнес ҳамда хусусий тadbиркорлик иқтисодиётимиз ривожига ҳал қилувчи куч эканини яхши англаган ҳолда, мазкур соҳа вакилларини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаб келмоқда. Жорий йилда ҳам ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилиб, ишбилармонларга 72,5 млрд. сўмлик кредитлар ажратилиши режалаштирилган. Бу ҳудудда янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, мавжудларини замон талаблари асосида модернизациялаш, пировардида импорт ўрнини босувчи ва экспортдор маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Банк материаллари асосида С. ИБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

Хизматлар лицензияланган.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 467. 116 473 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Ўқонлар (0-371) 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли ҳол этилишига “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Махсумов.

Навбатчи — О. Файзиев.

Мусаҳҳиф — Ш. Машраббоев.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.55 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6